
МАҲАЛЛАЛАРДА ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР МАРКАЗИ ХОДИМЛАРИНИ САРАЛАШ МАҚСАДИДА ТАНЛОВ ЖАРАЁНЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Маҳаллаларда фаолияти йўлга қўйиладиган ижтимоий хизматлар маркази ходимларини саралаш мақсадида танлов жараёнлари бўлиб ўтмоқда

Ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган эътибор замирида Ватанимизнинг ажралмас бўлаги бўлган маҳаллалар ривожига, унда истиқомат қиладиган фуқароларнинг манфаати мужассам. Шунинг учун, бугунги кунда маҳалла институтини янада ривожлантириш мақсадида Республикамизда тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Худудларда маҳалла еттилиги фаолиятини йўлга қўйилиши ушбу тизимни янада ривожлантиришга қаратилган. Айни кунда маҳаллаларда яна бир вазифа - ижтимоий хизматлар марказининг маҳаллаларда комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими лавозими жорий этилмоқда.

Офтобру маҳалласида жойлашган 30-сонли умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган очиқ мулоқот ҳам айнан ушбу долзарб масалага бағишланди. Тадбирда иштирок этган давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали масъул ходимлари мазкур лавозимга ариза топширган номзодлар билан учрашиб, ҳар бир давлат хизматчиси олдида қўйиладиган вазифалар ҳақида гапириб, номзодларни саралаш ва уларни масъулиятли вазифага йўналтириш учун бевосита туманда тест синовлари ўтказилиши ҳақида тушунтиришлар беришди.

Тадбирдан сўнг, Сўх тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг маҳаллаларда комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими лавозимларига ўтказиладиган танловларнинг тест синови босқичи ўтказилди.

Энг эътиборлиси бу босқич вилоятда эмас айнан Сўх туманида ўтказиладиганлиги. Чунки Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали масъул ходимлари 176 нафар номзодларни вилоят марказига овоза қилмай, ўзлари туманга ташриф буюришди.

Бугун туман маданият марказида Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали ишчи гуруҳи иштирокида давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун шарт-шароит яратиш ҳамда давлат фуқаролик хизматида ишга кириш масалаларида сайёр қабул ўтказилади.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#) | [Telegram](#) | [Telegram murojaat](#) | [Youtube](#) | [Instagram](#)

2024-04-24 11:28:12